

Ўзбекистон Республика
Адлия вазирлиги томонидан
2014 йил " 21 " ноябр
574n - сон билан
қайта рўйхатга олинган

Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг
навбатдан ташқари Конференциясининг
2014 йил 26 сентябрдаги қарори билан
"Тасдиқланган"



Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг

УСТАВИ
(янги тахрирда)



Тошкент – 2014 йил

ЎЗБЕКИСТОН НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТИНИНГ УСТАВИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон Ногиронлар жамияти (бундан кейин матнда «Жамият» деб юритилади) ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмасидир.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятларини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мазкур Устав асосида амалга оширади.

1.3. Жамият ўз фаолиятини ошқоралик, коллегиялик, ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқчилик, ихтиёрийлик ва жамоат фикрини ҳисобга олиш тамойиллари асосида юритади.

1.4. Жамият Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан, ҳудудий бўлимлари ҳудудий Адлия бошқармаларидан, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг юридик шахс ҳисобланади.

1.5. Устав мақсадларига эришиш учун жамият бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиш, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин, судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этади.

1.6. Жамият ўз номига, муҳр ва штампларига ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган рамзига, тегишли банкда ҳисоб ва валюта рақамларига ҳамда бошқа ўз фаолиятига зарур бўлган атрибутика ва реквизитларга эга бўлиш ҳуқуқига эга.

1.7. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади.

1.8. Жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ўзининг ҳудудий бўлим ва бўлинмаларини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар белгиланган тартибда тегишли ҳудудий адлия органларидан давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг уларнинг фаолияти қонуний ҳисобланади. Шунингдек, улар юқорида номлари қайд этилган қонунлар ва тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мазкур Устав асосида фаолият кўрсатадилар.

1.9. Жамиятнинг фаолияти номуайян муддатга ташкил қилинган.

1.10. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган барча мол-мулкӣ билан жавоб беради. Давлат, давлат органлари, корхоналар ва муассасалари, таъсисчилари ва иштирокчилари жамиятнинг мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан жавоб бермайдилар. Жамият давлат, давлат органлари ҳамда корхона ва муассасалар шунингдек, таъсисчилари ва иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

1.11. Жамиятнинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида: Ўзбекистон Ногиронлар жамияти.

Рус тилида: Общество инвалидов Узбекистана

1.12. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Индекс 100000, Шарофобод кўчаси, 5 уй.

1.13. Жамиятнинг почта манзили ўзгарган тақдирда, бу ҳақда уни рўйхатдан ўтказган органга хабар беради.

II. ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади жамият аъзоларига, ногиронларга тенг имкониятлар яратиш, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашишлари учун кўмаклашиш, баҳоли қудрат

меҳнатга жалб этиш, маиший масалаларни ҳал қилишда кўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

2.2. Жамият мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- ногиронлиги бўлган Ўзбекистон фуқароларини жамият аъзоллигига жалб этади;
- ногиронларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгилаб берилган ҳуқуқлар, имтиёзларни амалга оширишда ёрдамлашади;
- ногиронларга тенг имкониятлар яратишга йўналтирилган таклифларни ишлаб чиқади ва ҳаётга жорий қилишда қатнашади;
- ногиронларни мақсадга мувофиқ ишга жойлаштиришга ёрдамлашади;
- ногиронликни профилактика қилишда қатнашади;
- ногиронларга умумий, махсус ва олий маълумот олишларида, касб танлашда, уларнинг малакасини оширишда кўмаклашади, ногиронлар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд турар-жойларни, маъмурий-хўжалик, ишлаб-чиқариш биноларини, спорт ва маданий иншоотларини, жамоат транспортини, кўчалар, алоқа воситалари ва бошқаларни ногиронлар учун махсус мосламалар билан жиҳозлашда қатнашади. Ногиронларга мосламалар учун стандартлар ва нормативлар ишлаб чиқишда қатнашади;
- ишлаб чиқариш базасини, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари тармоғини яратади ва ривожлантиради;
- Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ахборот алмашади;
- ногиронларнинг манфаатларига тегишли масалаларни ечишда қатнашади;
- жамият аъзоларига ҳуқуқий хизмат кўрсатади ва маслаҳат беради;
- соғлом турмуш тарзини тарғиб қилади;
- жамият фуқаролардан, жамоат ташкилотларидан, корхоналардан, шунингдек давлат муассасаларидан ҳайрия, ҳомийлик ёрдамларини олиши мумкин.
- қонунда таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин;
- лицензия олиш шарт бўлган фаолият тури жамият томонидан лицензия олингандан сўнг амалга оширилади;
- жамият молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг аъзоларига қуйидаги ёрдамларни кўрсатиши мумкин: моддий ёрдам кўрсатиш, даволаниш, ҳайрия тўйлари ва юбилейларини ўтказиш, маданий-маиший тадбирлар, ҳайрия концертлари уюштириш, спорт мусобақалари уюштириш, ўқув курслари ташкил қилиш, ахборот марказларини ташкил этади;
- жамият ўз аъзоларининг манфаатини кўзлаб фаолият юргизади;
- ногирон болалар ижтимоий реабилитацияси билан шуғулланади;
- Давлат органлари томонидан ногиронларга тегишли масалаларни ечишда қатнашади ва тегишли таклифларни ишлаб чиқади.
- ногиронлар талабини ва истакларини қондириш мақсадида давлат томонидан ажратилган ҳайрия маҳсулотини олиш ва тарқатишда қатнашади.

III. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Жамият белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз қатнашчилари ва аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;
- ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун

ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

- ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш ва белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва тегишли лицензия асосида матбаа ва ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

- ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, Конференциялар ўтказиш ва бошқа тадбирлар ўтказиш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқлар, йиғим ҳамда бюджетдан ташқари фондларга бошқа тўловлар тўлашда белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади;

- қимматбаҳо қозғолар бозорида иштирок этади, хайрия маркалар чиқаради ва тарқатади, хайрия концертлар ва тадбирлар ўтказади;

- ноширлик фаолияти билан шуғулланади, ўз матбуот органини ташкил қилади;

- бино ва иншоотларни ҳамда транспорт воситаларини ижарага олади ва ижарага беради;

3.2. Жамият қуйидаги мажбуриятларга эга:

Қонун ҳужжатларига риоя этиш ва ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;

- нодавлат нотижорат ташкилот сифатида жамиятни рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказётган тадбирлар ва фаолият билан танишиш учун эркин кириш имконини бериш, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш;

IV. ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Жамият вазифаларини амалга оширишда фаол қатнашадиган, Уставни тан олган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқароликка эга бўлмаган шахслар, 18 ёшга тўлган фуқаролар жамиятга аъзо бўлиши мумкин. Жамият аъзолигига кириш аризаси, бўлим ва бўлинмалар раиси номига ёзилади, бўлим ва бўлинма раислари буйруғи билан аъзоликка қабул қилинади, жамият аъзоси аъзолик бадаллари тўлайди. Марказий Девон ишчилари бўлим ва бўлинмаларга ариза ёзадилар, ҳисобда турадилар ва аъзолик бадали тўлайдилар. Жамият аъзолигига қабул қилиш рад этилганда, рад жавобини олган шахс жамиятнинг раҳбар органларига мурожаат этиши мумкин.

4.2. Жамият аъзо бўлишга (вакиллар орқали) ҳам рухсат этилади. Жамиятнинг мақсадларини рўёбга чиқаришга ёрдам берадиган жамият ташкилотлари, шу жумладан клублар, жамиятлар, уюшмалар ва бошқа ташкилотларнинг меҳнат жамоалари жамият аъзо бўлишлари мумкин. Жамият аъзоларини қабул қилиш тартибини Марказий Раёсат ва бўлим ҳамда бўлинма Раёсатлари қарори билан белгиланади.

- юқори органлар қарорларини уларнинг ҳуқуқлари ваколати доирасида бажарадиган шахслар қабул қилинади;

- жамиятга аъзо бўлмаган шунингдек аъзолик бадали тўламаган фуқароларнинг ариза-шикоятлари инobatга олинмайди.

4.3. Жамият аъзоларининг ҳуқуқлари:

- жамият аъзолари жамиятнинг раҳбар органларига сайланиш ва сайлаш ҳуқуқига эга;

- тегишли масалалар юзасидан жамиятнинг юқори органларига мурожаат қилиш;

- жамият раҳбар органлари белгилаб берган маънавий ва моддий воситалар билан рағбатланиш;

- жамият аъзолигига қабул қилишга рад жавобини олган ёки аъзоликдан чиқарилган аъзолар, бундан норози бўлган тақдирда, бу ҳақидаги шикоят билан жамиятнинг раҳбар органига мурожаат қилиш;

- ўз хохишига кўра жамият аъзолигидан чиқиш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

4.4. Жамиятга аъзолик:

- Кириш бадаллари ва ҳар ойда тўланадиган аъзолик бадали давлат белгиллаган энг кам ойлик иш ҳақининг бир фоизи миқдорида белгиланади.

- Жамиятга аъзо бўлиш жамият раиси, бўлим ва бўлинмалар раислари номига ёзиладиган ариза орқали амалга оширилади.

- Жамоавий аъзоликка кириш энг кам ойликнинг бир баровар миқдорида белгиланади. Жамоавий аъзолик бадаллари ҳар ойда аъзо бўлган ташкилотда ишловчи ходимлар ойлигининг бир фоизи миқдорида тўланади.

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Марказий Девони ҳисоб рақамига ҳар ойда давлат томонидан ўрнатилган энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида аъзолик бадалини ҳисоблаб бориб, ҳар чоракда бир марта тўлайди.

- Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг шаҳар, туман бўлинмалари, бўлим бошқарувлари ҳисоб рақамига ҳар ойда давлат томонидан ўрнатилган энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида аъзолик бадали ҳисоблаб бориб, ҳар чоракда бир марта тўлайди.

- Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Марказий Девони ҳисоб рақамига бўлимлардан ўтказиладиган аъзолик бадалининг ўз вақтида ўтказилишига бўлим раислари жавобгардир.

- Ўзбекистон Ногиронлар жамияти бўлимлар ҳисоб рақамига бўлинмалардан ўтказиладиган аъзолик бадалини ўз вақтида ўтказилишига бўлинма раислари жавобгардир.

- Тўпланган бадаллар ва бошқа пул маблағлари жамиятнинг Устав вазифаларини, жамият Марказий Девони ишини ташкил этиш учун сарфланади.

4.5. Жамият аъзоларининг вазифалари:

- Жамият вазифаларини бажаришда фаол қатнашиш;
- жамият аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш;
- Жамият обрўсига, шаънига доғ тушурмаслик;
- жамият раҳбар органлари қарорларини ваколати доирасида тўлиқ бажариш,
- аъзолик бадалларини тўлаш.

4.6. Жамият аъзоларининг мажбуриятлари:

- таъсис ҳужжатларида ва ушбу Уставда белгиланган талабларга амал қилиш ва олган мажбуриятларни бажариш.

- Жамият томонидан ўтказиладиган кўргазмалар, турли тадбирларда фаол иштирок этиш:

V. ЖАМИЯТНИНГ ТУЗИЛМАСИ ВА РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

5.1. Жамият таркиби, жамият Марказий Девони, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари (ҳудудий бўлимлар), туман, шаҳар бўлинмалари (ҳудудий бўлинмалар) дан иборат.

5.2. Жамиятнинг раҳбар органлари қуйидагилардан иборат:

- Конференция;
- Марказий Раёсат;
- Назорат-тафтиш комиссияси.

5.3. Жамият Конференцияси – жамиятнинг Олий органи ҳисобланиб, мазкур Конференция заруриятга қараб, аммо беш йилда камида бир марта чақирилади.

5.4. Жамият Конференциясини чақириш, вакиллик нормалари ва кун тартиби Марказий

Раёсат қарори билан белгиланади ва камида бир ой олдин эълон қилинади. Навбатдан ташқари Конференция Марказий Раёсат аъзоларининг камида учдан бирининг талаби билан ва камида 10 кун олдин эълон қилинади, уни чақириш, вакиллик нормалари ва кун тартибини белгилайди. Навбатдан ташқари Конференцияда қатнашиш ҳукуки олдинги Конференцияга сайланган делегатларда сақланиб қолади.

5.5. Конференция ваколатларига қуйидаги масалалар киради:

- Жамият раиси ҳисоботини тинглайди ва фаолиятига баҳо беради;
- Уставни тасдиқлаш, ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритади;
- Жамият раисини 5 йилга сайлайди ;
- Жамиятни Марказий Раёсат аъзоларини 5 йилга сайлайди;
- Назорат-тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат бўлган аъзоларини 5 йил муддатга сайлайди ёки ҳар 2 йилда аудиторлик текширувини ўтказишни белгилайди;
- Конференция йиғилишини Конференция делегатлари сайлаган делегат олиб боради;
- Конференция Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва жамият ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа масалаларни ҳам ҳал қилиши мумкин.
- Конференция мутлақ ваколатига кирувчи масалалар жамиятнинг бошқа органига ўтказилиши ёки берилиши мумкин эмас.
- Жамиятнинг Марказий Раёсати ва назорат тафтиш комиссияси ўз фаолиятлари тўғрисида конференцияга ҳисобот беради.

5.6. Конференциялар орасида Марказий Раёсат жамиятнинг раҳбар органи ҳисобланади. Унинг йиғилишлари бир йилда камида бир марта ўтказилади. Марказий Раёсат таркиби Марказий Раёсат раиси, ЎзНЖ раиси ва қоида тариқасида вилоят бўлим раисларидан иборат бўлади.

5.7. Марказий Раёсат қуйидаги ваколатларга эга:

- Конференция қарорларини бажаришни амалга оширади;
- Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича қарорлар қабул қилади;
- Жамиятнинг жорий режаларини тасдиқлайди, режаларнинг бажарилишини назоратга олади ва ҳисоботларни тинглайди;
- Жамиятнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоят бўлимлар Раёсатлари фаолиятини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;
- Марказий Раёсат таркибига янги аъзолар киритади ва чиқаради; (вафот этганда, кўчиб кетганда, лавозимидан бўшаганда).
- Устав вазифаларини бажаришга йўналтирилган Конференция, Марказий Раёсат қарорларининг бажарилишига ҳамда жамиятнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари аппаратларининг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисоботларини тинглайди, тасдиқлайди ва тегишли қарорлар қабул қилади;
- Жамиятнинг Марказий Раёсати томонидан қабул қилинган қарорлари ҳудудий бўлим ва бўлинма Раёсатлари, жамият таркибига кирувчи барча ташкилотлар ва жамият аъзолари учун бажарилиши лозим бўлган норматив ҳужжат ҳисобланади;
- Марказий Раёсат раҳбар орган сифатида, жамиятнинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари Раёсатларининг, жамият Марказий Девонининг, Уставга зид келувчи буйруқ ва қарорларини бекор қилади;

- Марказий Раёсат мажлиси ва навбатдан ташқари мажлис Марказий Раёсат раиси қарори ёки Марказий Раёсат аъзоларини учдан бир қисмини ёзма талаблари асосида чақирилади. Қарорда мажлиснинг ўтиш куни, жойи, вақти кўрсатилади. Марказий Раёсат қарорлари, жамият раиси, бўлим ва бўлинма раислари томонидан бажарилади.

- Жамият раиси, бўлим ва бўлинмалар раислари жамиятнинг мол-мулки ва тақдири бўйича тегишли рахбар органининг розилигисиз алоҳида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

- Марказий Раёсат раиси, Марказий Раёсат аъзолари таркибидан Марказий Раёсат йиғилишида 5 йил муддатга сайланади.

- Марказий Раёсат жамиятнинг Устав вазифаларини, Конференция қарорларини ҳаётга жорий этишга масъулдир.

- Марказий Раёсат Устав вазифаларнинг бажарилиши тўғрисида Конференцияга ҳисобот беради.

- Марказий Раёсат жамият Марказий Девони ва унинг ҳудудий бўлимлар аппаратларининг молиявий-хўжалик фаолиятига баҳо беради ва тегишли қарорлар қабул қилади:

- Жамият Марказий Девони, бўлим, бўлинмаларда ўтказилган аудиторлик текширувлари ҳулосаларини таҳлил қилади;

- Жамиятнинг барча таркибий ташкилотларидан ҳар қандай маълумот ва ҳужжатларни Марказий Раёсат раиси талаб қилиши мумкин.

- Жамиятнинг таркибий ташкилотлари талаб қиланаётган маълумот ва ҳужжатларни Марказий Раёсат раисига хавола этишга мажбур.

- Марказий Раёсат қарорлари жамият раиси, бўлим ва бўлинма раислари томонидан бажарилиши шарт:

- Марказий Раёсат жамият Марказий Девони, вилоят, шаҳар, туман бўлим ва бўлинмалари томонидан жамият Уставига ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зид равишда қабул қилинган буйруқ ва қарорларни бекор қилади.

- Марказий Раёсат раиси жамият Марказий Девони штат жадвалини, кирим-чиқим сметасини, иш режасини тасдиқлайди ва бажарилиши тўғрисида йиллик ҳисоботни эшитади:

- Жамият Марказий Девони, бўлим ва бўлинмалар Устав фаолиятларига тегишли қарорлар қабул қилади.

- Марказий Раёсат раиси Марказий девони штат бирлигига киритилиб, жамиятнинг фаолиятини назорат қилиб боради.

- Жамият раиси вазифасини вақтинчалик бажарувчини тайинлаш фақат Марказий Раёсат аъзолари ваколатига қиради:

- Жамият раиси меҳнат таътилига чиққан вақтда ўрнига Марказий Раёсат аъзолари орасидан Марказий Раёсат раиси қарорига асосан вақтинчалик раис вазифасини бажарувчи тайинланади:

- Жамият Марказий Девони бўлим ва бўлинмаларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида комиссиялар тузади ва ҳисоботларни кўриб чиқади:

- Ўзрли сабабларга кўра йиғилишларда қатнаша олмаган Марказий Раёсат аъзолари ўрнига ишончнома орқали уни вакили қатнашишига рухсат берилади:

- Марказий Раёсат раиси сифатида жамият манфаатини кўзлаб конунга зид бўлмаган илтимос хатлари ва таклифлари билан давлат идоралари ҳамда ташкилотларга чиқиши мумкин.

- Марказий Раёсат раиси томонидан чиқарилган қарор ва хатларга Марказий Девон муҳри босилиши шарт.

5.8. Жамиятнинг Назорат-тафтиш комиссияси:

- Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти, маблағларни мақсадли сарфланиши устидан назоратни Конференция томонидан 3 кишидан иборат таркибда, 5 йил муддатга сайланган назорат-тафтиш комиссияси амалга оширади.

- Комиссия раиси ва аъзолари жамиятнинг бошқа фаолиятларида қатнашишлари, рахбар органлари таркибига киришлари мумкин эмас.

- Назорат-тафтиш комиссияси режа асосида, бир йилда камида бир марта, шунингдек Конференция ёки Марказий Раёсат қарорлари асосида режадан ташқари тафтиш қилади ёки шартнома асосида аудитор жалб этади.

- Назорат-тафтиш комиссияси ўз фаолиятини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мазкур Устав асосида амалга оширади.

- Назорат-тафтиш комиссияси фаолияти юзасидан ҳисоботлар Конференцияда кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

5.9. Жамият раиси қуйидаги ваколатларга эга:

- Жамият номидан ишончномасиз иш кўради, бошқа юридик шахслар, шу жумладан, хорижий юридик шахслар билан муносабатларда жамият манфаатларини ифодалайди.

- Марказий Раёсат қарорларининг бажарилишини таъминлайди;

- Жамиятнинг Устав талаблари, молиявий ва ҳўжалик фаолияти учун жавобгар ҳисобланади;

- Жамиятнинг Марказий Девонини шакллантиради ва унга бошчилик қилади.

- Меҳнат шартномаси асосида жамият Марказий Девони ходимларини ишга олади ва лавозимидан озод этади;

- Жамиятнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари раислари фаолиятини йўналтиради, мувофиқлаштиради, назорат қилади;

- Бўлимларнинг жорий йилдаги даромад ва ҳаражатлар сметасини, штатлар жадвалини, ҳисоботларини тасдиқлайди;

- Жамиятнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоят бўлим ва бўлинмаларини моддий техника базасини ривожлантиришга кўмаклашади;

- Тадбиркорлик тузилмаларини ташкил қилиш ва фаолиятини тугатиш бўйича буйруқлар чиқаради;

- Жамиятнинг раҳбар органлари топширган барча вазифаларни бажаради;

- Жамият таркибидаги барча ташкилотларнинг Устав ва молиявий ҳўжалик фаолиятлари бўйича ҳисоботларини топширишларини таъминлайди ва Конференцияга ҳисобот беради;

- Жамият раисининг қонуний буйруқлари бўлим ва бўлинма раислари томонидан бажарилиши шарт;

- Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоят бўлимлари раисларининг меҳнат таътилига чиқиши учун ва вақтинчалик уларнинг раҳбарини тайинлашга буйруқлар чиқаради;

- Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоят бўлимлари раисларининг банк карточкаларидаги имзо ҳуқуқини тасдиқлайди;

- Уставни бажармаган, бўлим ва бўлинма раисларига қуйидаги чораларни қўллайди: ҳайфсан, жарима ва эгаллаб турган лавозимидан озод қилишни сўраб, бўлим ва бўлинмалар Конференциясига мурожаат қилади.

- Жамият манфаатларини Давлат органлари, Халқаро ва маҳаллий нодавлат ташкилотларига тегишли таклифлар киритади ва ҳамкорликни йўлга қўяди;

- Жамиятнинг раислигига жамиятнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўлимлари, жамиятга тегишли структуралар таркибида камида 5 йил ишлаган, жамият аъзоси Конференцияда сайланади.

- Жамият номидан Конференция, симпозиум, съезд ва бошқа турли тадбирларда иштирок этади.

- Жамият фаолиятига раҳбарлик қилади.

- Жамият фаолиятини яхшилашга ва юритишга оид лойиҳалар ишлаб чиқади ва Марказий



Раёсати муҳокамасига тақдим этади;

VI. ЖАМИЯТНИНГ ХУДУДИЙ БЎЛИМ БОШҚАРУВЛАРИНИНГ ТУЗИЛМАСИ ВА РАЎБАР ОРГАНЛАРИ

6.1. Бўлим бошқарувларининг раҳбар органлари:

- Бўлим бошқарувлари Конференцияси
- Бўлим бошқарувлари Раёсати

6.2. Жамиятнинг бўлим Конференцияси – минтақавий миқёсидаги олий органи ҳисобланиб, мазкур Конференция заруриятга қараб, аммо беш йилда камида бир марта чақирилади.



- Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими бошқарувларининг олий органи 5 йилда бир марта чақириладиган Конференция ҳисобланади, уни чақириш вакиллик нормалари ва кун тартибини бўлим бошқарувлари Раёсати қарори билан белгиланади ва кам деганда бир ой олдин эълон қилинади. Навбатдан ташқари Конференция бўлим бошқарувлари Раёсати аъзоларининг камида учдан бирини талаби билан ва камида 10 кун олдин эълон қилинади, уни чақириш вакиллик нормалари ва кун тартиби белгиланади.

6.3. Бўлим бошқарувлари Конференцияларининг ваколатлари:

- Жамиятнинг ҳудудий бўлими бошқарувлари раиси ҳисоботини тинглайди ва баҳо беради;

- Жамиятнинг ҳудудий бўлим бошқарувларининг ривожланиш дастурини тасдиқлайди ва истиқболини белгилайди;

- Бўлим бошқаруви раисини 5 йилга сайлайди;

- Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг Конференциясига делегатлар сайлайди;

- Назорат тафтиш комиссия 3 кишидан иборат бўлган аъзоларини 5 йил муддатга сайлайди ёки ҳар 2 йилда аудиторлик текширувини ўтказишни белгилайди;

6.4. Бўлимлар Бошқарувлари Раёсати жамиятнинг доимий фаолият юритувчи органи ҳисобланиб у бир йилда камида бир маротаба ўтказилади.

6.5. Конференциялар орасида бўлимлар Раёсатлари жамиятнинг раҳбар органи ҳисобланади. Бўлимлар Раёсатлари таркиби жамиятнинг бўлим раиси ва бўлинмалар раисларидан ташкил топади.

6.6. Бўлимлар Бошқарувлари Раёсати қуйидаги ваколатларга эга:

- Конференция қарорларини бажаришни амалга оширади;

- Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича қарорлар қабул қилади;

- Жамиятнинг жорий режаларини тасдиқлайди, режаларнинг бажарилишини назоратга олади ва ҳисоботларни тинглайди;

- Жамиятнинг бўлинмалар Раёсатлари фаолиятини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;

- Бўлим Раёсати раиси, бўлим Раёсати аъзолари таркибидан бўлим Раёсат йиғилишида 5 йил муддатга сайланади;

- Бўлим Раёсати таркибига янги аъзолар киритади ва чиқаради;

- Устав вазифаларини бажаришга йўналтирилган Конференция, Марказий Раёсат қарорларининг бажарилишига ҳамда жамиятнинг шаҳар ва туман бўлинмаларининг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисоботларини тинглайди, тасдиқлайди ва тегишли қарорлар қабул қилади;

- Жамиятнинг бўлим Раёсати томонидан қабул қилинган қарорлари, бўлинма Раёсатлари, бўлим таркибига қирувчи барча ташкилотлар ва жамият аъзолари учун бажарилиши шарт бўлган норматив ҳужжат ҳисобланади;

- Бўлим Раёсати бўлинмаларда ўтказилган аудиторлик текширувлари хулосаларини таҳлил қилади;

- Бўлим раёсатлари жамиятнинг Устав вазифалари, Конференция, Марказий Раёсат ҳудудий бўлим бошқарувлари Раёсатлари қарорларининг ҳаётга жорий этилишига масъулдир;

- Бўлим Раёсатлари жамиятнинг ҳудудий бўлими бошқарувлари тасарруфидаги туман, шаҳар бўлинмалари молиявий-хўжалик фаолиятининг йиллик ҳисоботларини тинглайди ва тасдиқлайди, тегишли қарорлар қабул қилади ва Марказий Раёсатга ҳисобот беради;

- Раҳбар орган сифатида бўлим бошқарувлари Раёсати, ўз тасарруфидаги туман, шаҳар бўлинмалари Раёсатларининг жамият Уставига зид келувчи қарорларини бекор қилади; Устав талабларини, жамият ҳудудий бўлими бошқарувлари жорий ривожланиш режаларининг бажарилишини назорат қилади ва таъминлайди, ҳудудий бўлинмалар ҳисоботларини тасдиқлайди ва Марказий Раёсатга ҳисобот беради;

- Бўлим бошқарувлари тасарруфидаги шаҳар, туман бўлинмаларининг молиявий-хўжалик фаолиятига ҳар йили баҳо беради, тегишли қарорлар қабул қилади ва Марказий Раёсатга тақдим этади.

- Бўлим бошқарувлари тасарруфидаги шаҳар ва туман бўлинмаларининг ривожланиш режаларини, ривожланиш истиқболларини тасдиқлайди;

- Бўлим ва бўлинма раисига Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига асосан интизомий чоралар кўради, вақтинчалик раис вазифасини бажарувчини тайинлайди ва навбатдан ташқари бўлим Конференция чакиради. Бўлим бошқарувлари Раёсати камида бир йилда бир марта чакирилади.

VII. БЎЛИМЛАР БОШҚАРУВЛАРИ РАИСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

7.1. Жамият номидан ишончномасиз иш кўради, бошқа юридик шахслар, шу жумладан хорижий юридик шахслар билан муносабатларда жамият манфаатларини ифодалайди;

7.2. Жамиятнинг ҳудудий бўлими бошқарувлари аппаратини шакллантиради, унга раҳбарлик қилади, Устав, молиявий ва хўжалик фаолияти учун жавобгар ҳисобланади;

7.3. Жамиятнинг раҳбар органлари қарорларини, маскур Устав талабларнинг бажарилишини таъминлайди;

7.4. Жамиятнинг раҳбар органларини ва жамият раисининг қарор ва топшириқларини бажаришга жавобгардир.

7.5. Бўлинмалар штат жадвалини, қирим-чиқим сметасини ва иш режаларини тасдиқлайди.

7.6. Жамиятнинг ҳудудий бўлими бошқарувлари ва бўлинмаларнинг жорий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этади, бўлим бошқарувлари Раёсати ва жамият раисига тақдим этади;

7.7. Тадбиркорлик тузилмаларини очиш ва улар фаолиятини тугатиш бўйича буйруқлар чиқаради.

7.8. Жамиятнинг ҳудудий бўлими бошқарувлари ва бўлинмаларининг тасарруфидаги корхона ва ташкилотларнинг Устав ва молиявий-хўжалик фаолиятлари бўйича камида бир йилда ҳисоботларни топширишни таъминлайди, таҳлил қилади ва хулосаларни бўлим Раёсатига ва жамият раисига тақдим этади;

7.9. Бўлим бошқарувлари раислари бўлим бошқарувлари Раёсат мажлисларининг камида бир йилда бир маротаба ўтказилишига масъулдир;

7.10. Бўлинмалар раислари, меҳнат таътилига чиққанда, ўрнига вақтинчалик раис вазифасини бажарувчини тайинлайди;

7.11. Уставни бажармаган бўлинма раисларига куйидаги чораларни қўллайди: ҳайфсан, жарима ва эгаллаб турган лавозимидан озод этишни сўраб, бўлинма Раёсатига, бўлинма Конференциясига мурожаат қилади.

7.12. Бўлим бошқарувлари раислигига, бўлим бошқарувида ва тегишли шаҳар, туман Ногиронлар жамияти таркибида камида 5 йил ишлаган жамият аъзоси, Конференцияда делегатлар томонидан сайланадилар.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ БЎЛИНМАЛАР БОШҚАРУВЛАРИНИНГ ТУЗИЛМАСИ ВА РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

8.1. Шаҳар, туман бўлинмаларининг раҳбар органи:

- Конференция
- Бўлинма Раёсати

8.2. Бўлинма Конференциялари:

Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг туман, шаҳар бўлинмаларининг минтақавий микёсдаги органи 5 йилда бир марта чақириладиган Конференция ҳисобланади, уни чақириш, вакиллик нормалари ва кун тартибини, бўлинма Раёсати қарори билан белгиланади ва камида бир ой олдин эълон қилинади. Навбатдан ташқари Конференция бўлинма раиси буйруғи билан ёки бўлинма Раёсати аъзоларининг камида учдан бирининг талаби билан ва камида 10 кун олдин эълон қилинади, уни чақириш, вакиллик нормалари ва кун тартибини белгилайди.

8.3. Бўлинма Конференциясининг вазифалари:

- Жамиятнинг туман, шаҳар бўлинмалари раиси ҳисоботини тинглайди ва баҳо беради;
- Жамиятни туман, шаҳар бўлинмаларининг ривожланиш дастурини тасдиқлайди ва истикболини белгилайди;
- Бўлинма раисини 5 йилга сайлайди;
- Бўлинмаларнинг Раёсат аъзоларини сайлайди;
- Бўлим Конференциясига делегатлар сайлайди;
- Назорат-тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат бўлган аъзоларини 5 йил муддатга сайлайди ёки ҳар 2 йилда аудиторлик текширувини ўтказишни белгилайди;

8.4. Бўлинма Раёсатининг ваколатлари:

- Жамиятнинг туман, шаҳар бўлинмалари Раёсати Конференциялар орасида раҳбар орган ҳисобланади. Туман, шаҳар бўлинмаси Раёсати таркиби бўлинма раиси, бошланғич ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ҳамкор ташкилот раҳбарларидан ҳамда ўз Конференцияси томонидан сайланган вакиллардан ташкил топади. Давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари Раёсат ишида маслаҳат овози билан қатнашиш ҳуқуқига эга.

- Жамият туман, шаҳар бўлинмасининг Устав вазифаларини ҳаётга жорий қилади, ривожланишини таъминлайди;

- Жамият туман, шаҳар бўлинмасининг жорий режаларини тасдиқлайди, бажарилишини назоратга олади ва таъминлайди, бўлим Раёсатига ҳавола этади ва ҳисобот беради;

- Жамиятга янги аъзоларни жалб этади;

- Бўлинма Раёсати раиси бўлинма Раёсат аъзолари таркибидан бўлинма Раёсат йиғилишида 5 йил муддатга сайланади;

- Жамиятнинг раҳбар орган қарорларини ва Устав талабларининг бажарилишини таъминлайди;

- Бўлинмада бошланғич ташкилотларни тузади ва фаолиятини йўналтиради;

- Бўлинма Раёсати мажлислари камида бир йилда бир марта ўтказилади.

IX. ЖАМИЯТНИНГ ТУМАН, ШАҲАР БЎЛИНМАСИ РАИСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

9.1. Жамият номидан ишончномасиз иш кўради, бошқа юридик шахслар, шу жумладан, хорижий юридик шахслар билан муносабатларда жамият манфаатларини ифодалайди.

9.2. Бўлинма аппаратини шакллантиради ва унга раҳбарлик қилади. Бўлинманинг Устав, молиявий хўжалик фаолияти учун масъулиятли ҳисобланади.

9.3. Жамиятнинг раҳбар органлари қарорларини ва Устав талабларини бажарилишини таъминлайди.

9.4. Бўлинмалар раислари аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлашга жавобгардир.

9.5. Тадбиркорлик тузилмаларини очиш ва фаолиятини тугатиш бўйича буйруқлар чиқаради.

9.6. Жамиятнинг туман, шаҳар бўлинмаси раислигига, бўлинма бошқаруви Девони, бошланғич ташкилотлар таркибида камида беш йил ишлаган жамият аъзоси Конференция делегатлари томонидан сайланади.

X. ЖАМИЯТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ, МАРКАЗИЙ РАЁСАТ, БЎЛИМ ВА БЎЛИНМА РАЁСАТЛАРИ ЙИГИЛИШИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

10.1. Конференциялар, Марказий Раёсат бўлим ва бўлинма Раёсатлари йиғилишлари, уларнинг ишида вакиллари ёки аъзоларининг эллик фоизидан кўпи қатнашганда ваколатли ҳисобланади;

10.2. Овоз бериш очик ёки яширин шаклда бўлиб, делегатлар томонидан белгиланади.

10.3. Конференциялар, Марказий Раёсати, бўлим ва бўлинма Раёсатлари йиғилишлари баённомаларда акс эттирилади. Баённомалар ва қабул қилинган қарорларни нусхаси юқори ташкилотларга ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органга топширилади.

XI. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ХАМДА УЛАРНИНГ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ

11.1. Жамият ва унинг таркибидаги бўлим ва бўлинмалар ва бошқа тузилмалар Уставда кўрсатилган фаолиятларини олиб борилишини моддий ва молиявий таъминлаш учун бинолар, қурилмалар, турар жой фонди, транспорт воситалари, оргтехника, асбоб-анжом ва бошқа мулклар, пул маблағлари, шунингдек, мулккий шаклига эга бўлмаган маълум турдаги ҳуқуқларга эгаллик қилишлари мумкин, шунингдек, жамият ва уни таркибидаги бошқарув бўлим ва бўлинмалар ҳамда бошқа тузилмаларнинг мулклари жамиятнинг умумий мулки ҳисобланади:

11.2. Жамият маблағларининг (пул, мулк ва бошқа шаклда) шаклланиш манбаалари қуйидагилар:

- кириш ва аъзолик бадаллари;
- ташкилотларнинг ва алоҳида фуқароларнинг ихтиёрий равишда берган ҳомийлик маблағлари ва мулклари;
- Уставга асосан семинарлар, маърузалар, хайрия ҳашарлари, хайрия маркалари, хайрия концертлари, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ўтказишдан тушган маблағлар;
- жамият таркибида ва қошида тузилган тадбиркорлик тузилмалари фаолиятларидан тушган даромадлари;
- бўлим, бўлинма ва Марказий Девон мулклари асосий ва айланма воситалардан иборат. Бўлим, бўлинма ва Марказий Девон мулклари алоҳида бухгалтерия балансида кўрсатилиши ва расмийлаштириши шарт.

XII. ЖАМИЯТ ТАРКИБИЙ БОШҚАРУВИ, БЎЛИМ ВА БЎЛИНМАЛАРИНИНГ МОЛ-МУЛКНИ БОШҚАРИШ БОРАСИДАГИ ҲУҚУҚЛАРИ

12.1. Жамият бошқаруви бўлим ва бўлинмалари давлат рўйхатдан ўтказиш, улар томонидан тақдим этилган, раёсат йиғилиши томонидан тасдиқланган ҳужжатлар асосида, шунингдек, жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси асосида тегишли ҳудудий адлия органлари томонидан амалга оширилади.

12.2. Жамиятнинг ҳудудий бўлимларининг мол-мулкни бошқариш, ташкил қилиш, тугатиш тартиби жамиятнинг раёсат йиғилиши томонидан белгиланади.

ХІІІ. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ ТУХТАТИБ ҚУЙИШ

13.1. Жамият фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатлари талабларини бузган тақдирда суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

ХІV. ХИСОБ ВА ХИСОБОТ

14.1. Жамият ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

14.2. Жамиятнинг раҳбар органлари томонидан қабул қилинган қарорлар ва ушбу бўйича йиғилиш баённомалари ҳамда маълумотлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилади.

ХV. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ, УНИНГ УСТАВИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ВА УНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

15.1. Жамиятни қайта ташкил этиш Конференция қарорига биноан бирлашиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва ўзгартириш йўли билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

15.2. Жамият Уставига киритиладиган қўшимча ва ўзгартишлар Конференция қарори билан тасдиқлангандан кейин Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига қайта рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади.

15.3. Жамиятни тугатиш Конференция қарорига биноан ёки суд тартибда амалга оширилади.

15.4. Жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Конференция Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

15.5. Жамиятни тугатиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

15.6. Кредиторларнинг талаблари кондирилгандан кейин қонунчиликка асосан қолган мол-мулк жамиятни Устав мақсади йўлида ёки ҳайрия мақсадида сарфланади.

Уставни ўзбек ва рус тилларидаги матни бўйича нопникликлар келиб чиққанда ўзбек тилидаги матни устувор ҳисобланади.



С.Курбанкулов